Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

## ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
### к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 3

**между Бухоро вилоят "Сувокова" ДУК и Гиждувон туман ХТБ на общую сумму 18537000,00**

Глава 075

Казначейский лицевой счёт 100022860062157092100075067

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4224000 | | | |
| Январь | 6 174 740.00 | | | 6 174 740.00 |
| Февраль | 6 174 740,00 | | | 6 174 740.00 |
| Март | 6 174 740.00 | | | 6 174 740,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | 18 524 220,00 | | | 18 524 220,00 |

Всего 18524220 00 сум — Восемнадцать миллионов пятьсот двадцать четыре тысячи двести двадцать сум 00 тийин
(сумма прописью)

Из вышеуказанной суммы 18524220 00 сум или 100% от общей суммы договора подлежат предоплате в январь мес. 2022_ г.

Руководитель заказчика ______________ Файзиев Мухтор Сайфидинович
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ______________ Асадов Жавлон Ихтиёрович
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ______________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ______________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

**ШАРТНОМА № 3**

*(Ичимлик сувини етказиб бериш, оқава сувларини қабул қилиш хизматлари ва туловни амалга ошириш бўйича)*

**Ғиждувон туман** **"5" январь 2020 йил.**

Бухоро вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Ғиждувон туман филиали (*кейинги ўринларда "Сувоқава" деб юритилади*)номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бошлиғи **Ғ.Сатторов** бир томондан ва **Ғиждувон туман ҳалқ таълим бўлими** (*кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади*) ўзининг низоми (ишончнома, буйруқ) асосида иш юритувчи раҳбари **М.Файзиев** иккинчи томондан мазкур шартноманиқуйидагилар ҳақида тузамиз.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1."Сувокава""Истеъмолчи"га ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларни кабул килиш мажбуриятини уззиммасига олади, Истеъмолчи томонидан окава тармогига ташланадиган окава сувлар микдори, ичимлик суви тармогидан сарф килинган сув микдорига тенг килиб кабул килинади."Истеъмолчи" уз урнида амалда кулланилаетган тарифлар асосида ва ушбу шартномада кайд этилган шартлари буйича "Сувокава"га туловларни уз вактида тулаб бериш мажбуриятларини олади.

1.2.Ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларини кабул килиш буйича томонларнинг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сонли корори билан тасдикланган "Истеъмолчиларнга сув таъминоти ва окава сувни чикариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (*матн давомида «Коидалар»)*хамда Узбекистон Республикаси Президентининг 16.112017 йилдаги "Сув таъминоти ва сув чикариш хизмати курсатиш сохасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида"ги №5241 сонлиФармони ва ушбу сохадаги бошка меъерий хужжатлари асосида тартибга солинади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. «Сувокава»нинг хукук ва мажбуриятлари:**

2.1.1. «Истеъмолчи»ни туман сув ва окава сув тармогига уланган инженер-техник воситалари оркали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва окава сувини кувурлар оркали кабул килади. Коммунал тармогидан фойдаганиш чегараси «Истеъмолчи»нинг туман ичимлик сув ва окава сув узатиш тармогига уланган жойидир.

2.1.2. «Истеъмолчи»нинг тармокка уланган жойигача булган узига тегишли ичимлик сув ва окава сувларни узатиш тармогини таъмирлаш, кайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш хамда халокатларни барча сув окувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Туман сув ва окава тармогида зарурат тугилганида таъмирлаш, бошка турдаги ишларни олиб бораётган холларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огохлантириб, ичимлик сувини бериш ва окава сувини кабул килишни тухтатади.

2.1.4. «Истеъмолчи» белгиланган вактда тўловни ва аванс туловини уз вактидаамалга оширмаса, шунингдек карздорлик микдори шартнома умумий бахосининг 10 фоизидан ошса сув таъминоти тўхтатилади.

2.1.5. Куйидаги холларда «Истеъмолчи»га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва окава сувларни узатиш тула ёки кисман тухтатади:

- «Сувокава» корхоналарида электр куввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий офатлар юз берганда(Форс мажор холатлар руй берганда);
- Туман сув тармогида кучли халокатлар юз берганда;
- Туман сув тармокларига узбошимчалик билан уланганда;

2.1.6. Шартномада илова килинган «Истеъмолчи»нинг сув тармогини ва иншоотларини лойихасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув улчаш асбобларини холатининазорат килиб боради, улардантугри, техник фойдаланиш ва сакланиши шартларига амал килинишини талаб килади.

2.1.7. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичини, уларнинг мухрини сакланишини ва бутунлигини МИБ ходими иштирокида кузатиб боради. Аникланган камчиликлар юзасидан «Истеъмолчи»нинг вакили иштирокида далолатнома тузади ва «Истеъмолчи»га амал килиш учун курсатмаларни беради.«Истеъмолчи» юкорида курсатилган хужжатга кул куйишдан бош тортса, бунда узининг ёзма эътирозини асослаб 2 кунлик муддатда такдим этиши шарт, у холда бир томонлама тузилган

далолатнома конуний хисобланиб, мазкур ойда хисоб китоб учун хисобхонага тулов ундиришга кабул килинади.Агар келгусида мавжуд карздорлик туланмаганида, хужжатлар иктисодий судига белгиланган тартибда мурожаат килишга асос булади.

2.1.8. Истеъмолчиларнинг гурухларига караб, етказиб берилган сув ва курсатилган окава хизматлари учунбелгиланган тарифлар асосида такдим этилган хисоботи юзасидан хисобхона туловиучун хужжатларни такдим этади.Агар хисобот такдим этиш жараёнида, унда хатоликлар аникланиб, тузатиш киритилган холдаги нусхаси кайтарилганида, Истеъмолчи томонидан мазкур узгартириш, тузатишлар юзасидан тузатилган хисоботларни 3 кунлик мухлатда кайта такдим этилиши шарт, акс холда бу тузатишлар билан топширилган хисобот асосли, хакикий деб хисобланишига олиб келади ва ҳақиқатда фойдаланилган миқдор учун тўлов амалга оширилиши талаб килинади.

2.1.9. «Истеъмолчи»га ичимлик сувнинг ва окава сувларни кабул килиш тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал килиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали хабар беради.

**2.2. «Истеъмолчи»нинг хукуклари ва мажбуриятлари:**

2.2.1. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида у уз карори ва буйруги билан ички сув етказиш тармогига, сув улчагич асбобларига ва корхонаси хисоботларига жавобгар шахсини тайинлаб, «Сувокава»га уларни такдим этади.

2.2.2. Туман сув билан таъминлаш ёки окава сувларни узатиш тармогига уланишдан олдин, «Сувокава»дан белгиланган тартиб асосида Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш еки окава сувларни узатиш тармогининг ва узига тегишли туман сув тармогига уланган барча объектларнинг жойлашиш лойихасини такдим этади. «Истеъмолчи» туман сув еки окава сувларни узатиш тармогига уланиш еки ундан узилиш харажатларини уз зиммасига олади.

2.2.3. Туман сув тармогига уланган хар бир кувурига сув улчаш йигмаси (сув улчаш ва сув туткич асбоби)ни Коида асосида кулай ва химояланган жойда, урнатиладиган сув улчагич шартли утказмаси (калибри)нинг диаметри “Сувокова”нинг хисоб-китоби билан аникланиб, объектнинг максимал ва минимал сув истеъмоли текширилгач, тегишли рухсатнома берилгач урнатади. Сув улчагич йигмасини харид килиш ва уни урнатиш билан боглик барча сарф харажат «Истеъмолчи» зиммасига булиб, у сув улчагич курилмаси, унинг техник соз холати буйича жавобгар хисобланади ва улчагични Давлат стандарти куригидан утказиш сертификатини амал килиш муддати утишидан 1 ой олдин бу хакда хабар беради, улчагични турига караб Давлат стандарти куригидан 2 йилда 1 марта уз хисобидан утказиши шарт. «Истеъмолчи»га бу учун 1 ой мухлат берилади, белгиланган муддат ичида киёсловдан утказилмаган такдирда сув сарфи шартномани 3.4 бандига асосан хисобланади.

2.2.4. Истеъмолчи сув улчагич йигмасидаги мухрларнинг сакланишини назорат килади,мухр бузилган еки сув улчагич ишдан чиккан холларда «Сувокава»га уч кун давомида езма равишда хабар беришни уз зиммасига олади. Хабар берилмаган такдирда ёки «Сувокова» ходими томонидан бу холат аникланганида сув сарфи белгиланган тартиб асосида хисобланади (шартноманинг 3.4 банди). Сув улчаш асбобларини «Узстандарт» органлари еки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан давлат киёслов куригидан уткказилиши, таъмирланиши ва мухрланишини уз хисобидан амалга оширади. Сув улчаш асбобини таъмирлаш еки алмаштириш, текшириш максадида ечиб олишдан олдин «Сувокава»га хабар беради ва унинг вакили билан сув улчагични охирги курсатмаларни тасдиклайди.

2.2.5. «Сувокава» ва МИБ вакилини сув улчаш асбоби урнатилган жойини, сув тармогини исталган пайтда бирор бир тускинликсиз куздан кечиришни таъминлаши шарт.

2.2.6. Узига тегишли сув ва окава сувларини узатиш тармоги, иншоот-ускуналарнинг техник холатини, фойдаланиш тартибини керакли равишда назорат килади, уз худудида ичимлик сувининг барча турдаги окувларини ва самарасиз фойдаланишини бартараф килиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.7. Туман сув тармогига ноконуний улангани, фойдаланилаётган сув ускуналарининг носозлиги ва уз худудидаги ичимлик сувидан бехисоб, тежамсиз сарфлангани учун «Ичимлик сувидан ва окавадан фойдаланиш коидалари» асосида жавоб беради.

2.2.8. Уз худудидаги сув тармоги лойихасини узгаришини, суб-Истеъмолчиларнинг уланиш истагини «Сувокава»га хабар беради, уларни алохида сув улчагич асбоблари урнатишини ва «Сувокава» билан тегишли шартнома тузишни талаб килади.

2.2.9.Хар ойнинг 20-чи кунидан то 25-гача хисобот ойида сарфланган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан имзоланиб, мухри билан тасдиклаган хисоботини «Сувокава»га топширади. Хисобот белгиланган муддатда топширилмаганида, шартноманинг 3.4 бандига асосан ва ёки ундаги маълумотлар камайтириб курсатилган холларда эса ичимлик сув сарфи хисобот даври учун шартноманинг 2.1.8-бандига асосан хисобланиб, туловга кабул килинади.

2.2.10. Марказлашган иссик сув тармогида сув хисоблагичи мавжуд Истеъмолчиларнинг окава сув сарфи иссик сув улчагич курсаткичига караб хисобланади, агар сув улчагич булмаган такдирда 1.3 коэффицент асосида хисобланади.

## III. ХИЗМАТ ХАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1.Узбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилдаги 5241 сонли Фармонига асосан, сув таъминоти ва окава сувларини чикариш хизмати курсатиш учун олдиндан 100 фоизлик хак тулаш асосида амалга оширилиши талаб этилади. Мазкур шартнома имзоланиши жараёнида амалда булган 1-М$^3$ ичимлик сувининг нархи **2000** сум 00 тийин ва 1-М$^3$ окава сувларни кабул килиш учун ______ сум_____тийин белгиланди. Шу билан бирга 18.04.17 йилги №2900 сонли ПК,

Республикаси Бош Вазирининг 15.01.18 йилдаги 05/1-800-сонли топшириги ва Бухоро вилоят хокимининг 26.02.2018 йилги №130 сонли Карорига кура, хар 1-$M^3$ сув истеъмол хажмига кушимча махсус устама хак 20 сумлик тулови ундирувга хисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» мазкур харажат учун 2022_ йилда бюджетдан ажратилиши кузда тутилаётган шу давр доирасида белгиланган микдори ________$M^3$ва хар 1-$M^3$сувни 4420 сўм миқдордаги ичимлик сув ва микдори ________________$M^3$ва 1-$M^3$ 18 533 060 сўм миқдоридаги оқава сувларини узатиш хизматларини кабул килиб, хизматлар кўрсатилгани учун туловга олдинги йил охирида пайдо булган карздорлигини инобатга олган холда жами 18 533 060 (ўн саккиз миллион беш юз ўттиз уч минг олтмиш) сўмлик хакни тулайдива бундан ташкари мазкур шартнома имзолангунига кадар хосил булган карздорлик туловини хам тулашни кузда тутади.

Ушбу шартномани куйида келтирилган чораклик тахминий истеъмол ва тулов жадвалида белгиланган микдордан ошикча ичимлик ва окава сувлари сарф килинса,у холда бу узгаришлар кушимча шартнома билан тасдикланиб, тулов амалга оширилади. Истеъмолчитомонидан шартномада кузда тутилган микдордан ошикча сарфи буйича тулов,тасдикланган жадвал асосида эмас, балки Истеъмолчининг сув улчагичидан амалда утган ичимлик суви микдорида амалга оширилади (алохида жарима килингани холатларини истисно этган холда).Йил якунида ортикча сарфга йул куйилса, у холда бу кушимча шартнома асосида расмийлаштирилиши шарт хамдасарф килинган ичимлик ва окава сувлари учун амалдаги таърифни юкори микдоридаги туловларни амалга ошириши лозим.

| Йил | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак | Жами бир йилда |
|---|---|---|---|---|---|
| 2022 бюджет хисобидан тулов | 18 533 060 | | | | |
| $M^3$ микдорида | 4193 | | | | |

3.3.Сарфланган сув учун хисоб-китоб «Истеъмолчи»нинг сув улчагич курсаткичлари асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиккан булса, биринчи ой сарфланган сув микдори охирги уч ой даврда булган уртача ойлик сарфи буйича белгиланади. Агар бир ой давомида «Истеъмолчи»нинг сув улчагич йигмаларида носозлик еки мухрнинг йуклиги (бузилганлиги) бартараф килинмаган булса, у холда жорий ой ичимлик суви сарфи кувурнинг кесими буйича кунлик сарф кобилияти асосида шартноманинг 3.4. банди асосида хисобланади.

3.4.Уланган кувурнинг кесими буйича кунлик сув сарфи куйидаги формула буйича, яъни

**$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$, асосида хисобланади, бунда-сув сарф микдори, М – 060-062 га тенг булган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти, Ғ- кувурнинг кундаланг кесим майдони (м2),2g– 2х9,8 м/секундга тенг булган эркин тушиш тезлиги,Н-сув босими (м) сув сарфи кунлик 24 соатда, t-вакт бўйича хисобланади.**

3.5.«Сувокава» «Истеъмолчи»га етказилган ичимлик суви ва бошка курсатилган хизматлари учун уни такдим этган хисоботини кабул килиш жараёнида, истеъмолчининг олдиндан туланган тулови билан хисобот даври истеъмоли уртасидаги тулов тафовути буйича тулов варакасини 3 кун муддат ичида карз туловини амалга ошириш учун топширади. Шу билан бирга Истеъмолчи тулов жараёнида келгуси ой даври учун хам хисобот ойи тулов микдорида 100% олдиндан тулов сифатида- аванс туловини хам амалга ошириши шарт. Карздорлик мавжуд булган холларда хар чорак, зарурият булганда, хар ой карздорлик буйича солиштирма далолатнома тузилади. «Истеъмолчи» уз вактида сув сарфи учун берилган тулов варакаси ёки солиштирма далолатнома асосида туловни пул утказиш йули билан тулайди. Курсатилган мухлатда пул утказилмаган такдирда, хар бир туланмаган кун учун умумий карзнинг 0,4% микдорида жарима ундирилади.

3.6. “Истеъмолчи” томонидан туловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Қоидалар ва мазкур шартномада белгиланган тартибда эхтиёж ва талабдан келиб чикиб, сув таъминоти узиб куйилиши мумкин. Сув етказиш “Истеъмолчи” томонидан карздорлик ва марказий тизимдан узиш ҳамда қайта улаш харажатлари қопланганидан сунг ёки ёзма равишда карзларни тўлашга кафолат (солиштирма долалатнома, суд қарори) берилганидан сунг қайта уланади. Шунингдек, истеъмолчи карз ва аванс туловларини уз вактида амалга оширмагани сабабли сув тармогидан узиб куйилиши билан бирга ПК, ПФ, Коида ва Конунлар талабига кура, корхонамансабдор шахслари Республикада амалда булган энг кам иш хаккининг 10 баровари микдорида жаримага тортилишади.

3.7. “Сувокава” билан шартнома тузган «Истеъмолчи»нинг ички сув тармогига бошка истеъмолчилар гурухига карашли суб-Истеъмолчилар“Сувокава”нинг розилиги билан уланади ва шундай булган холда, ушбу суб-Истеъмолчилар билан сув сарфи хисоб-китоб алохида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида олиб борилади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1.Туман сув тармокларига узбошимчалик билан ёки сув хисоблагичдан ташкари уланганда амалдаги конун хужжатларига асосан маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш масаласини хал этишучун тузилган далолатнома асосидахукукни мухофаза килувчи органларига мурожаат килинади хамда сув ва окава учун зарар туловлари Қоиданинг 42-банди ва мазкур шартноманинг 3.4-бандига асосан амалдаги тарифлар асосида хисобланади.

4.2.Шартномага муддати тугаши ёки умумий тулов миқдори борасида узгартириши киритиш юзасидан “Истеъмолчи” 5 кунлик муддат ичида шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида мурожаат қилиши шарт ва бу холат икки томонни узаро кушимча келишув шартномаси имзолаши асосида кабул килинган хисобланади. Акс ҳолда Истеъмолчи тармоқдан узиб қўйилади ва бу борадаги харажатлар қопланиши талаб қилинади. Томонлар уртасидаги шартнома истеъмолчининг айби билан бекор килинган такдирда хам, улар келтирилган зарар ва узаро карздорлик тулови жавобгарлигидан озод килмайди.

4.3. Томонлар уртасидаги шартнома бекор килинган такдирда хам, улар келтирилган зарар ва узаро карздорлик тулови жавобгарлигидан озод килинмайди.

4.4. Шартноманинг бажарилишида ва шартномада акс эттирилмаган масалаларни хал килищда томонлар “Коидалар” асосида иш юритадилар.

## V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

5.1.Мазкур шартнома жорий йилучун тузилган бўлиб, шартнома шартлари тулик бажарилгунга қадар бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

5.2. Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган ва томонларда сақланади.

5.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-мажор холатларида.

## VI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан мазкур шартномамажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради.

## VII. ХИСОБ-КИТОБ.

7.1.Сув улчагич ишлаганда сув харажати миқдори сув улчагичнинг курсаткичига караб хисобланади. Агар сув улчагич ишламаганда эса Коидага кура бир ой мухлатдан кейин кириш сув кувурининг диаметри билан 1,5 м/секунд тезликда 24соат суткасига сув харакатда булади деб хисобланади.

---

## VIII.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1 Аввало, низо ва келишмовчиликлар узаро келишув асосида хал этилиши лозим. Акс холда, Узбекистон Республикасининг 21.08.98 йилдаги "Хужалик юритувчи субъектлар шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги Конун хамда бошка конунлар асосида узаро хал килинмаган низолар конунчилида урнатилган тартибда суд тартибда хал килинади.

**IXТомонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.**

**«Таъминотчи»**

Бухоро сув таъминот МЧЖ Ғиждувон филиали

манзили: Ғиждувон туман Шарқ кўчаси 80-уй

тел\факс: 572 41 51

х\р: 22638000600309412321

Банк номи: АТИБ "Ипотека банк" Бух.вил.фил.

МФО:00088, СТИР:201513859, ОКОНХ: ____

Рахбар: (ф.и.ш.) ______________Ғ.Сатторов

(имзо)

М.Ў.

**«Истеъмолчи»**

**Ғиждувон тумвн ҳалқ таълим бўлими**

(бюджет маблагларини олувчи номи)

Манзили Ғиждувон туман Ибн Сино Кўчаси 158-уй

тел\факс 57-21-262

ш\хв:100022860062157092100075067

Бюдж маблаг олувчи СТИРи 201021553. ОКОНХ

Ғазначилик бўлим номи: Ғиждувон туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси

**Ғазна ҳ/р:23402000300100001010: МФО:00014: СТИР: 201122919**

Рахбар: ( ф.и.ш.) ______________М.Файзиев

(имзо)

М.Ў.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: SK3744780727

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ 3-sonli

1. **Loyixaning turi:** Shartnoma
2. **Loyixaning nomi:** Ichimlik suvini yetkazib berish, oqava suvlarini qabul qilish xizmatlari va tulovni amalga oshirish bo'yicha

"Suvokava" "Iste'molchi"ga ichimlik suvini yetkazib berish va oqava suvlarni qabul qilish majburiyatini o'z zimmasiga oladi, Iste'molchi tomonidan oqava tarmogiga tashlanadigan oqava suvlar miqdori, ichimlik suvi tarmogidan sarf qilingan suv miqdoriga teng qilib qabul qilinadi, "Iste'molchi" o'z o'rnida amalda qo'llanilayotgan tariflar asosida va ushbu shartnomada qayd etilgan shartlari buyicha "Suvokava"ga to'lovlarni o'z vaqtida to'lab berishi to'g'risida.

3. **Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma`lumot:**

G'ijduvon tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 05-yanvar kuni ishlab chiqarilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**G'ijduvon tuman**
**yuridik xizmat ko'rsatish**
**markazi bosh yuriskonsulti** **D.Hakimov**

2022-yil 05-yanvar